

Мейлиев О.Р. - ТМИ,
катта ўқитувчи

ХУДУДЛАР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА СОЛИҚ-БЮДЖЕТ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мазкур мақолада мамлакат ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда солиқ-бюджет муносабатларини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган. Мамлакат ҳудудларини солиқлар воситасида ривожлантириш масалалари таҳлил қилинган, шунингдек, маҳаллий ҳокимиятларнинг ҳудудлар солиқли даромадларини ошириш бўйича ваколатларини кенгайтириш бўйича амалий таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: ҳудудий иқтисодиёт, солиқлар, солиқ-бюджет сиёсати, солиқли даромадлар, солиқ юки, солиққа тортиш жараёни, маҳаллий бюджет.

В данной статье рассмотрены вопросы совершенствования налогово-бюджетной политики и обеспечение экономического развития регионов в современных условиях. Проведен анализ вопроса развития регионов с помощью налогов, а также даны практические предложения по увеличению налоговых доходов регионов посредством расширения их полномочий.

Ключевые слова: региональная экономика, налоги, налогово-бюджетная политика, налоговые доходы, налоговая нагрузка, процесс налогообложения, местный бюджет.

This article considers some issues of improvement tax-budgetary policy and economic development of regions in modern conditions. Has been analyzed the issue of regional development through taxes, and given practical suggestions to increase tax revenues through regional expansion of their authority.

Key words: regional economy, taxes, tax-budget policy, tax revenues, tax burden, taxation process, local budget.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат томонидан ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солишнинг самарали механизмини шакллантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Солиқ-бюджет муносабатларининг энг мунозарали масаласи ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини зарур маблағлар билан таъминлаш ҳисобланиб, у ҳудудлар солиқ имкониятларини аниқлаш ва давлатнинг ҳудудий ривожланиш дастурлари вазифаларини ўзаро мувофиқлаштириш заруратини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, “Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, Давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш – энг муҳим устувор вазифамиздир”[1].

Мамлакат тараққиёти ўзаро яхлитликда, ҳудудий иқтисодий барқарорликни таъминлашни тақозо этади. Ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти

Ўз навбатида уни ташкил этувчи минтақалар иқтисодиёти ҳолатига бевосита боғлиқдир. Шу боис, мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш ва унинг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳудудлар иқтисодий салоҳият ва имкониятларига ҳамда субъектлар фаоллигига боғлиқдир. Ҳудудлар кесимида ижтимоий-иқтисодий харажатларнинг асосий қисми солиқлар воситасида молиялаштирилади. Шу сабабли, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос иқтисодий ҳолати ва имкониятларини эътиборга олган ҳолда, солиқ сиёсати субъектларни ишлаб чиқариш ҳамда солиқ механизмидан самарали фойдаланиш ҳозирги шароитда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда устувор аҳамият касб этади.

Шу боис, мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш масалалари доим мунозарали ҳисобланади[2].

Ҳудудий иқтисодиёт ривожланишида молия-кредит механизмининг ўрни алоҳидадир. Ушбу механизмнинг энг самарали воситаси ҳисобланган солиқлардан иқтисодиётни тартибга солишда фойдаланиш, унинг ривожланиши билан бирга, маҳаллий бюджетларни мунтазам ва етарли миқдорда даромадлар билан таъминланишига хизмат қилади.

Солиқлар давлат бюджети даромадларини шакллантириш билан бир вақтда мамлакат ва унинг ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсир этувчи асосий омиллардан биридир. Айниқса, республикамиз давлат бюджети даромадларининг асосий қисми солиқлар ва солиқларга тенглаштирилган мажбурий тўловлар ҳисобига шакллантирилаётган айни пайтда, турли бюджет бўғинлари томонидан молиялаштирилаётган соҳаларнинг маблағлар билан таъминлаш даражаси солиқларнинг йиғилувчанлик даражасига боғлиқ.

Ҳозирги шароитда ҳудудларни иқтисодий ривожланиши ва барқарорлигини таъминлашда солиқлар самарадорлиги ва уларнинг аҳамиятини оширишга доир муаммолар долзарб моҳият касб этмоқда.

Ҳудудий иқтисодиётни бошқаришнинг ҳозирги замон амалиёти айнан маҳаллий солиқ сиёсати ҳамда жойларда солиқ салоҳиятини оширишнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқламоқда.

Солиқлар давлат ва хўжалик субъектлари ўртасидаги молиявий муносабатларда асосий ўрин эгаллайди ва солиқ тизими икки томонлама муносабатларда намоён бўлади. Шу боис, солиқлар борасида сўз борганда, албатта уларга давлат (ёки маҳаллий ҳокимият органи) ва хўжалик субъектлари нуқтаи-назаридан баҳо бериш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, давлат бошқарувининг ҳар бир шаклида солиқлар унинг бюджети даромадларини шакллантиришнинг асосий манбаси сифатида эътироф этилади. Дарҳақиқат, давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг солиқлардан самаралироқ механизми ҳозирга қадар бу қадар ишончли манбага айланмаганлигини эътироф этиш жоиз. XX асрга келиб солиқлар давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг асосий манбаси бўлиши билан бирга, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг ҳам асосий механизми сифатида кенг фойдаланилиб келинмоқда[3].

Шунингдек, солиқлар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиқиб янги кўриниш ва шакл олишига қарамасдан уларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳар бир даврда ўз ўрнига эга.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети солиқли даромадларининг ҳудудлар кесимидаги улушининг ўзгариш динамикаси (2010-2016 йиллар)¹

(% ҳисобида)

Ҳудудлар	ЙИЛЛАР							2016 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	
Қорақалпоғистон Республикаси	2,3	2,4	2,3	2,3	2,4	2,6	3,0	0,7
Андижон вилояти	3,4	3,3	3,4	3,4	3,6	3,4	3,3	-0,1
Бухоро вилояти	7,1	7,2	6,2	6,0	5,8	5,9	5,9	-1,2
Жиззах вилояти	1,3	1,2	1,3	1,3	1,4	1,4	1,5	0,2
Қашқадарё вилояти	10,4	11,4	10,7	9,9	9,5	8,2	7,2	-3,2
Навобий вилояти	8,5	7,9	7,3	7,6	7,6	7,1	7,3	-1,2
Наманган вилояти	2,4	2,6	2,8	2,9	2,6	2,7	2,7	0,3
Самарқанд вилояти	3,6	3,8	3,9	3,9	3,8	3,9	4,2	0,6
Сурхондарё вилояти	2,6	2,4	2,5	2,5	2,4	2,6	2,6	0
Сирдарё вилояти	1,5	1,3	1,4	1,3	1,4	1,4	1,5	0
Тошкент вилояти	9,5	9,8	10,1	10,0	10,3	9,8	10,2	0,7
Фарғона вилояти	8,5	8,1	7,3	6,9	6,6	6,1	5,6	-2,9
Хоразм вилояти	2,2	2,2	2,2	2,3	2,3	2,5	2,3	0,1
Тошкент шаҳар	26,3	27,1	27,0	26,8	27,9	29,6	29,9	3,6
ДСҚ назоратидаги солиқлар	10,4	9,4	11,6	13,0	12,6	12,8	12,8	2,4
Республика бўйича жами:	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	

2010-2016 йилларда давлат бюджети солиқли даромадларининг мамлакатимиз ҳудудлари кесимида шаклланиш амалиётидан кўришимиз мумкинки, жами солиқли даромадлар таркибида салмоқли улуш асосан Тошкент шаҳри, Тошкент, Қашқадарё, Навобий вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Таҳлил этилаётган йилларда Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навобий ва Фарғона вилоятларида солиқ тушумларининг улуши камайган бўлса, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида бу кўрсаткич ўзгармаган, мамлакатимизнинг қолган ҳудудларида ўсиш кузатилган.

Солиқ тизимининг самарадорлиги давлат бюджетига маблағларни ўз вақтида ва кутилган даражада келиб тушишини таъминлаш ҳамда хўжалик субъектлари фаолиятига оптимал даражада таъсир этиши билан баҳоланади. Солиқлар давлатнинг марказий бюджети билан бирга маҳаллий бошқарув органларининг даромадларини ҳам шакллантиришнинг асосий манбаси бўлиб ҳисобланади. Эътиборли томони шундан иборатки, мамлакатда шаклланган қонунчилик тизими ёки солиқ қонунчилиги унинг барча ҳудудларида ягона

¹ www.soliq.uz маълумотлари асосида тайёрланди.

тизим ва кўринишга эга бўлса-да, у ҳудудлар тараққиёти ва ривожланиш даражасига турли хил тарзда таъсир кўрсатиши мумкин. Айниқса, мамлакат ҳудудлари иқтисодий тараққиётининг кескин даражада табақалашуви шароитида бу жараён янада жиддий кўриниш олади.

Шу ўринда маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришнинг республикада қарор топган механизмини таҳлил қилар эканмиз, мустақиллик йилларида ушбу механизмга қатор ўзгартиришлар киритилишига қарамадан ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигича қолаётганлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқ.

Биз маҳаллий бюджет даромадлари шаклланиш амалиётига назар ташласак, мамлакатимиз ҳудудлари даромадларининг асосий қисми ҳанузгача умумдавлат солиқлари ҳисобига шакллантирилаётганлигини кўришимиз мумкин.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетларга ажратмалар меъёрлари²

Худудлар номи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи			Жисмоний шахслар даромад солиғи			ҚҚС			Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ		
	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Қорақалпоғистон Республикаси	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Андижон вилояти	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Бухоро вилояти	55	53	37	50	50	50	55	53	37	-	-	2
Жиззах вилояти	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Қашқадарё вилояти	52	60	29	100	100	100	52	60	29	-	-	2
Навоий вилояти	57	55	37	57	55	37	57	55	37	-	-	2
Наманган вилояти	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Самарқанд вилояти	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Сурхондарё вилояти	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Сирдарё вилояти	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Тошкент вилояти	40	30	6	40	30	6	40	30	6	-	-	2
Фарғона вилояти	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Хоразм вилояти	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Тошкент шаҳри	2	2	2	2	2	2	2	2	2	-	-	-

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, сўнгги йилларда умумдавлат солиқларидан ажратмалар маҳаллий ҳудудларга тўлиқ миқдорда бириктирилмоқда. 2015 йилдан бошлаб ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқдан маҳаллий бюджетларга ажратмалар миқдори ўзгартирилиб, умумдавлат солиғидан ажратмалар қилинадиган ҳудудлар сони ошган бўлса, 2017 йилдан эса Тошкент шаҳридан ташқари барча ҳудудларга ажратмалар берилган. 2017 йилдан бошлаб мамлакатимизнинг айрим ҳудудлари (Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Тошкент вилоятлари)га юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, жисмоний шахслар даромад солиғи ҳамда қўшилган қиймат солиғининг маҳаллий бюджетларга ажратмалар миқдори бироз камайиши

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2270, ПҚ-2455 ва ПҚ-2699 сонли қарорлари асосида тайёрланди.

кузатилган бўлса, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқдан эса оз миқдорда бўлсада ажратмалар бириктирилган.

Бундан ташқари, ягона солиқ тўловидан тушумлар (Тошкент шаҳри (2%), Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Тошкент (95%) вилоятларидан ташқари) тўлиқ миқдорга маҳаллий бюджетларга қолдирилмоқда, шунингдек алкоголь маҳсулотларидан акциз солиғи бўйича тушумлар ҳам Жиззах вилоятидан ташқари барча ҳудудларга қолдирилмоқда[4].

Маҳаллий бюджетлар даромадларини умумдават солиқлари ҳисобига шакллантирилиши улар харажатларини маҳаллий бюджетларнинг бирламчи даромад манбаи ҳисобланган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳисобига молиялаштириш имкони йўқлиги билан ифодаланади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, маҳаллий ҳокимият органларининг ўзларига бевосита бириктирилган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича ваколатларининг чекланганлиги шароитида, умумдават солиқларидан ажратмалар амалга оширилиши уларда ўз даромадлари базасини мустаҳкамлашдаги ваколатларини янада чеклаб қўймоқда.

Лекин шунга қарамадан маҳаллий ҳокимият органларига ажратмалар белгиланган умумдават солиқлари бўйича ҳам айрим ваколатлар берилган бўлиб, улар асосан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромад солиғи ва алоҳида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинган катъий солиқ бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан энг юқори ва қуйи чегаралари белгиланган базавий ставкалари даражасидан келиб чиққан ҳолда, ўз ҳудудлари учун ушбу чегарадан чиқиб кетмаган ҳолда уларнинг аниқ ставкаларини белгилаш ваколатларига эгадирлар. Шундай бўлсада, маҳаллий ҳокимият органлари даромадларининг асосини ташкил этадиган солиқлар ва йиғимлар бўйича улар ваколатларининг чекланганлиги, қайсидир маънода маҳаллий ҳокимият органларининг ўз даромадларини мустаҳкамлашга доир қизиқишларини чеклаб қўймоқда. Шунинг билан биргаликда маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришнинг субвенция бериш тизимининг мавжудлиги уларни юқори бюджетга тобелигини билдиради. Бу эса иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида маҳаллий ҳокимият органларининг эркинлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини тўлиқ рўёбга чиқариш имконини бермайди.

Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш амалиёти кўрсатмоқдаки, умумдават солиқлари ҳудудлар маҳаллий бюджетларини шакллантириш имкониятларидан келиб чиқиб республика ҳукумати томонидан ҳудудлар бўйича бирламчи тақсимланаётган бўлса, вилоят ҳокимликлари томонидан вилоятлар марказий бюджети ҳамда унинг таркибидаги шаҳар ва туманлар ўртасида иккиламчи равишда тақсимланмоқда (айрим ҳолларда маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳам вилоят бюджети, унинг таркибидаги шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади). Бу ҳолат ўз навбатида вилоятлар марказий бюджети ва унинг таркибидаги шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетлари даромадларини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари ва

амалиётини тадқиқ этишни тақозо этади. Шунга эътибор қаратиш жоизки, мамлакатимиз иқтисодчи-олимлари умумдавлат солиқларини маҳаллий бюджетларга тақсимлаш механизмидаги муаммоларни тадқиқ этиб кўпроқ эътиборларини уларни бирламчи тақсимлаш механизмига қаратадилар.

Уларнинг эътиборларидан умумдавлат солиқлари ҳамда маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ҳудудларнинг марказий бюджети, унинг таркибидаги шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимлаш механизми бироз четда қолмоқда.

Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари ва амалиётининг таҳлилидан чиқарилган асосий хулосалардан яна бири шундан иборатки, бизнингча, 2004 йилдан эътиборан республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга дотация шаклидаги молиявий ёрдамдан воз кечилишини ижобий баҳолаган ҳолда, вилоят марказий бюджетидан унинг таркибидаги шаҳар ва туманлар бюджетларига дотация ажратиш тартибининг жорий этилиши ривожланиш даражаси пастроқ бўлган ҳудудларда боқимандалик кайфиятини ошишига олиб келиши мумкин. Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, бу борадаги молиявий ёрдам миқдори йиллар бўйича ўзгариб келаётган бўлса-да, вилоятлардаги ҳудудлар ушбу молиявий ёрдамсиз бюджет даромадларини шакллантириш имкониятига эга эмас.

Ҳудудлар иқтисодий ривожланишини таъминлашда маҳаллий бюджетларнинг солиқ-бюджет ваколатларини оширишнинг қуйидаги йўллари қайд этиш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, маҳаллий ҳокимиятларининг давлат бошқарувидаги, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий томондан бошқаришдаги ролини ошириш, ҳозирги куннинг асосий масалаларидан биридир. Бунда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилиши лозим:

- маҳаллий ҳокимият органларининг маҳаллий бюджетларни режалаштириш, тасдиқлаш ва бажаришдаги ҳуқуқларини кенгайтириш;

- республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг ўзаро алоқаларини, қонуний асосларини яратишга, яъни бунда турли бюджетларнинг ўзаро мажбуриятлари, ҳуқуқлари ўз аксини топиши лозим;

- республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасида даромадлар ва харажатларнинг қонуний чегарасини яратишга қаратилиши лозим.

Иккинчидан, маҳаллий бюджетларга умумдавлат солиқларидан ажратмалар, маҳаллий ҳудудларда ушбу солиқдан тушадиган тушум ҳажмига нисбатан фоизларда белгиланади. Фоизлар йиллар бўйича турли хилдир. Маҳаллий ҳокимиятлар ташаббуси билан бириктирилган даромадлар улуши кўтарилса, албатта келгуси йили давлат солиқларидан ажратмалар фоизи камайтиради. Бу ҳолат маҳаллий ҳокимиятларнинг доимий равишда бириктирилган бюджет даромадларини кўпайтириб боришдаги қизиқишини чеклаб қўяди ва сўндиради. Шунинг учун, умумдавлат солиқларидан ажратмалар фоизи ҳеч бўлмаганда, беш йилга ўзгармас бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу орқали маҳаллий ҳокимиятлар ушбу солиқлардан тушадиган даромадларни кўпайтириб боришидаги манфаатдорлиги оширилади.

Учинчидан, маҳаллий ҳокимият даромадларини кўпайтириб бориш, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ. Маҳаллий бюджетларнинг ижроси давомида бўш пул маблағларини қисқа муддатларга банк муассасаларига фойда олиш мақсадида қўйиш. Бу бюджетларга қўшимча маблағлар тушушини таъминлаган бўлар эди.

Мамлакат ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларда маҳаллий бюджетларнинг солиқ-бюджет ваколатларини ошириш билан биргаликда субъектлар даромадларига бевосита таъсир этувчи солиқ механизмини оптималлаштириш ислохотлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шунинг билан бирга, ҳудудлар маҳаллий бюджетлари даромадларини тўлиқ ва ўз вақтида шакллантириш имкониятини яратади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Халқ сўзи. 2017 йил 16 январь.

2. Мейлиев О.Р. Ҳудудий иқтисодиётни ривожлантиришда солиқларнинг ўрни.//Монография. – Тошкент, “Тамаддун” – 2014. 136-бет.

3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.– Т.: Адолат, 2015. – 692 б.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2270 сонли, 2015 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2455 сонли ва 2016 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2699 йил қарорлари.

5. <http://www.soliq.uz>.